



## МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА-ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ АСОСИ

**Б.К.Ғайибназаров**

Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси хузуридаги  
“Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти” директори.  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**И.А.Маткаримова**

Мамун университети НТМ Иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби.кафедраси уқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229485>

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада миллий статистикамизнинг мамлакат ривожигадаги роли ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** очик маълумотлар, очик маълумотлар портали, ахборот, статистика салоҳияти индекси, очик маълумотлар глобал индекси, очик маълумотлар барометри, статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси, статистик таҳлил.

### КИРИШ

Мамлакатимизда очик маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат органлари ҳисоботларини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сонли қарорга имзо чекди [1,2].

Мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибadorлигини ҳамда юртимизнинг статистика салоҳиятини оширишга қаратилган ислоҳатларни янада чуқурлаштиришга ҳизмат қилувчи ушбу ҳужжатнинг мазмун моҳияти ҳақида тўхталиб ўтамыз.

McKinsey (McKinsey&Company) халқаро институти мутахасислари тадқиқотларига кўра, 2019 йил ҳолатига ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг фақатгина 7 та давлат секторига оид Очиқ маълумотларни аҳолига бепул ва қулай йўлларда тақдим қилиши 1 йилда давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 3-5 трл.АҚШ.доллар миқдорида



маблағини тежашга олиб келади, хусусан биргина таълим соҳасига оид маълумотлар билан аҳолини баҳобар қилиш ўртача 1-млрд. АҚШ.доллар миқдорида фойда келтирар экан ёки транспорт тизимига оид очиқ маълумотлар тармоқларининг шакллантириши 700-900 млрд. АҚШ.долларгача маблағни тежаб қолишига олиб келиши аниқланди [5]. Бу танганинг бир томони бўлса холос, иккинчи томони у ҳам ўта долзарб.

Очиқ маълумотлар мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда муҳим роль ўйнайди. Мисол учун инвесторларни ўзига оханграбодек жалб қиладиган АҚШ ёки Хитойда хорижлик сармоядорларга ахборот беришнинг очиқ тизими амал қилади. Бошқача айтганда, инвесторлар махсус партолллар ёрдамида ўзларини қизиқтирган барча маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

### **ОБЪЕКТ ВА АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ**

Хўш, мамлакатимизда очиқ маълумотларнинг ошкоролик ва сифат даражаси уларни фуқароларга ва халқаро ҳамжамиятга етказишнинг амалдаги механизми халқаро талабларга жавоб берадими.Биринчи навбатда, мазкур қарор билан Давлат статистика органларга Статистика салоҳиятини ошириш бўйича алоҳида вазифалар қўйилган. “Статистика салоҳияти индекси” Жаҳон банки томонидан олиб борилади. Мазкур индекс мамлакатнинг статистик салоҳияти, эришаётган ютуқлари ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган ислоҳотлари натижаларини акс эттиради ва қуйидаги маълумотлардан ҳам билса бўлади (1-расм).



1-расм.Статистика салоҳияти индексининг ўсиб бориш динамикаси [6].

Жаҳон банкининг рейтингда Ўзбекистоннинг “Статистика салоҳияти индекси” 2018 йилда 61,1 баллга, 2019 йилда 64,4 баллга, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 67,8 балл, 2021 йилда 71,1 бални ташкил этган ва 2022 йилда 74,4 баллга етказиш режалаштирилмоқда. 2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришининг миллий стратегияси доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали, Ўзбекистоннинг Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”даги кўрсаткичларини босқичма-босқич яхшилаб бориши режалаштирилган. Ўзбекистон 2025 келиб, 94 баллни қўлга киритган ҳолда рейтингда биринчи 10 таликка кириши кўзда тутилган [6].

Иккинчи навбатда, бос устига ўзида дунё мамалакатларининг иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий, сиёсий ҳаётини қамраб олган “Очиқ маълумотлар глобал индекси”га киритилмаган. Бунинг ассосий сабаби эса Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларнинг очиқлилик даражаси ва сифати талабга жавоб бермаган, бундан ташқари статистик маълумотларни олиш имконияти ҳам чекланган эди. Таъкидлаш керак, шу кунгача ҳам



мамалакатимизда ахборотдан кўп мартаба эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали фаолият юритаётган эди бироқ, мамлакатимизда очик маълумотларнинг ошкоролик ва сифат даражаси халқаро талабларга жавоб бермаган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида эълон қилинган 4500га яқин маълумотлар тўпламининг бор йўғи 5 % янгиланган. Қолаверса, халқаро даражада таклиф этилган 16 йўналишдаги ахборотлардан 7 йўналиши бўйича жойлаштирилган.

Амалдаги Очиқ маълумотлар порталида асосий камчиликлар қуйидагилар:

- давлат бошқарув органларини ходимлари маъсулиятсизлик билан маълумотларни кўр-кўрона жойлаштириб бориши;
- жавобгарлик нуқтайи назаридан белгиланмаганлиги;
- бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида амалдаги очик маълумотлар портали маълумотларни шаффофсизлигига, ишончсизлигига олиб келди.

### **МУХОКАМА**

Президентимиз қарори билан ушбу чора тадбирлар давлат бошқарув органлари ходимларини маъсулиятини белгилайди, жавобгарлигини белгилайди, шакилланаётган маълумотларни шаффофлигини, тўғрилигини ва оқилоналигига олиб келади. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида эълон қилинувчи ахборотлар жaxon даражасидаги «Очиқ маълумотлар глобал индекси» ва «Очиқ маълумотлар барометри» талабларига жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 808-сон қарорида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўплamlари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда



ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади [3,4].

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида 8 мингдан ортиқ очик маълумотлар тўплами ва Давлат статистика қўмитаси сайтида 500 га яқин очик маълумотлар тўплами мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталидаги [5,6] ([www.data.gov.uz](http://www.data.gov.uz)) ахборотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, шу жумладан, машинада ўқиладиган ва бошқа форматларда, фақат республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юқори даражадаги тузилмалари, шунингдек, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 105-к сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Ушбу буйруққа асосан қўмита тизимида “Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди. Бир сўз билан айтганда давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибadorлигини мустаҳкамлайди, бир вақтнинг ўзида статистика салоҳиятини оширишга ҳизмат қилади, шу билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар статистика соҳасида ўз аксини топди, бу ўз ўрнида мамлакат ичидаги фойдаланувчилар ҳамда халқаро статистика хамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда.



Хусусан, ўтган йиллар ичида статистика фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир нечта қонунчилик ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

### **ХУЛОСА**

Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ташаббуси бўлиб, фойдаланувчилар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган, статистиканинг долзарблигини оширишга, статистика тизимларини бошқариш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга ҳамда мамлакат миллий статистикасининг барқарорлиги ва бардовомлигини таъминлашга қаратилган мақсадлар ва комплекс тадбирлар мажмуидир.

Яқунда, очиқ маълумотлар портали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигини ўзида акс эттирадиган, айти чоғда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим ахборот ресурсига айланади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги

“Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сонли қарори// Халқ сўзи, 11.04.2019.

2. “Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси 808-сонли қарори.2020 йил 23 декабр [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси.Тошкент-2019 йил.



4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти “Макроиқтисодий барқарор ўсишни таъминлашда статистик усуллар ва ахборотлар ролини кучайтириш” мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами.2020 йил 22 май.Тошкент-2020

5. Ахборот 24.[09.04.2019]

6. <https://review.uz>